

**“ШУРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,  
Шурчи тумани, Мустақиллик кўчаси 76-уй.**

**2024 йил 07-октябрь.**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шурчи тумани, Мустақиллик кўчаси 76-уй, “Шурчи пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 986 656 дона

“Шурчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2024 йил 14-сентябрдаги 01-01/54-сонли таклифи инobatга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 12-сентябрдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2024 йил 07-октябрда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 01-сентябрь.

“Шурчи пахта тозалаш” АЖ акциядори 2 140 224 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Хақимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. А.Исломов – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;
2. М.Қаюмов – жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Т.Халбаев – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарни тугатиш лойиҳа офиси вакили.

Йиғилиш котиби этиб А.Юлдошев – жамият бош директори сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санoқ комиссияси аъзоси Б.Хасановага берди.

Санoқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2024 йил 1-октябрь ҳолатига шакллантирилган “Шурчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 624 та акциядорга тегишли 3 907 104 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 986 656 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 76,44 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Юлдошев-жамиятнинг Бош директори;

Т.Хужамшқуров – жамиятнинг Бош бухгалтери;

Йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Шурчи туман хокимининг 4.09.2024 йилдаги №01-02/271 сонли хати ҳамда “Полвонтош” МЧЖ нинг 05.09.2024 йилдаги №43-сонли хатларини кўриб чиқиш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Т.Халбаев “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 12-сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига “Шурчи пахта тозалаш” АЖ жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси—Хасанова Бахрин Хушбоқовна—Жамият бош директори—Юлдашев Акмал Эргашевич—“Сурхондарёпахатасаноат” ХАБ АЖ Тугатиш комиссияси аъзоси—Гулямов Нигматилло Кадиновичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 140 992 та овоз; “Қаршилар” – 845 664 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Хасанова Бахрин Хушбоқовна;
- 2) Юлдашев Акмал Эргашевич;
- 3) Гулямов Нигматилло Кадинович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси Т.Халбаев сузни жамият Бош директори А.Юлдашевга берди. А.Юлдашев уз сузида Шурчи туман хокимининг 4.09.2024 йилдаги №01-02/271 сонли хати ҳамда “Полвонтош” МЧЖ нинг 05.09.2024 йилдаги №43-сонли хатлари билан таништириб утди (Шурчи туман хокимининг ва “Полвонтош” МЧЖнинг хатлари илова қилинади).

Мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-57– сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Шурчи туман Ҳокимлигининг инвестиция дастурида тадбиркор “Полвонтош” МЧЖ томонидан қуёш панеллари ўрнатиш режаси киритилган. Инвестиция дастурини бажариш мақсадида “Шурчи пахта

тозалаш” АЖ худудидан 2.5 гектар ер майдонини “Полвонтош” МЧЖ га ижара асосида ажратишда амалий ёрдам сўралганлигини айтиб ўтди.

Т.Халбаев ушбу масала буйича кўшимча сузга чикиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Электрон онлайн-аукционни утказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора тадбирлари тугрисида” ги ПК-5197-сон қарори 3 бандида:

-устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ булган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиги 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли булган юридик шахсинг (кейинги уринларда-давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кучмас мулклари, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиш;

-давлат иштирокидаги корхоналар кучмас мулклари, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш масаласи электрон онлайн-аукцион йули билан амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чикиб, инвестиция дастурини бажариш мақсадида яъни 2МГБ қуёш панеллари урнатиш учун “Шурчи пахта тозалаш” АЖнинг худудидан 2,5 гк ер майдони ижара ҳуқуқи асосида “Электрон онлайн-аукцион” платформасига жойлаштирилишини тақлиф қилди.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёклаганлар” – 2 140 992 та овоз, “Қаршилар” – 845 664 та овоз, “Бетарафлар” – йўқ, “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Қун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Шурчи туман ҳокимининг 4.09.2024 йилдаги №01-02/271 сонли хати ҳамда “Полвонтош” МЧЖ нинг 05.09.2024 йилдаги №43-сонли хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПК-57– сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

3. “Шурчи пахта тозалаш” АЖ худудида 2МГБ қуёш панеллари урнатиш учун ижара ҳуқуқи асосида 2,5 гк ер майдони “Электрон онлайн-аукцион” платформасига чиқарилсин.

4. “Электрон онлайн-аукцион” платформасига 2,5 гк ер майдонини ижара ҳуқуқи асосида савдога чиқариш билан боғлиқ вазифаларни бажариш жамият бош директори А.Юлдошев зиммасига юклатилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:  Т.Халбаев

Йиғилиш қотиби:  А.Юлдошев

Йиғилиш баённомаси 2024 йил \_\_\_\_ октябрь куни икки нусхада тузилди.